




## Фурқон сураси, 63-оят



**РОҲМАННИНГ БАНДАЛАРИ ЕР  
ЮЗИДА ТАВОЗЕЪ ИЛА ЮРАДИГАН ВА  
ЖОҲИЛЛАР ХИТОБ ҚИЛГАНЛАРИДА,  
«САЛОМ», ДЕЙДИГАНЛАРДИР.**

*Жоҳиллар доимо Роҳманнинг суюкли бандаларига гап отиб, турли машмашалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Аммо Роҳманнинг суюкли бандаларининг улар билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтлари йўқ. Бефойда гап-сўзни ўзларига ортиқча биладилар. Шунинг учун жоҳиллардан кўрқадиган жойлари бўлмаса ҳам, уларнинг хитобига «Салом» («Омон бўл») деб жавоб айтадилар. Ёки ўзларига саломатлик келтирадиган бирор гап-сўз айтиб қўйиб, парво ҳам қилмай, кетаверадилар.*

Фурқон сураси, 63-оят  
Шафои Хилол



16:18 / 22.09.2017 6436

Фурқон сураси, 63-оят